


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

2019 №1

2011 йилдан чиқа бошлаган

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
АХВОРОТНОМАСИ



ВЕСТНИК
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Тошкент



ВЕСТНИК ТМА № 1, 2019

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Главный редактор

проф. Л.Н.Туйчиев

Заместитель главного редактора

проф. О.Р.Тешаев

Ответственный секретарь

проф. Ф.Х.Иноятова

ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ

акад. Аляви А.Л.

проф. Билалов Э.Н.

проф. Гадаев А.Г.

акад. Даминов Т.А.

акад. Каримов Ш.И.

проф. Комилов Х.П.

акад. Курбанов Р.Д.

проф. Мавлянов И.Р.

акад. Назыров Ф.Г.

проф. Нажмутдинова Д.К.

акад. Соатов Т.С.

проф. Ходжибеков М.Х.

проф. Шайхова Г.И.

проф. Жае Вук Чои

Члены редакционного совета

проф. Акилов Ф.О. (Ташкент)

проф. Аллаева М.Д. (Ташкент)

проф. Ахмедов Р.М. (Бухара)

проф. Аюпова Ф.М. (Ташкент)

проф. Гиясов З.А. (Ташкент)

проф. Ирискулов Б.У. (Ташкент)

проф. Каримов М.Ш. (Ташкент)

проф. Каюмов У.К. (Ташкент)

проф. Исраилов Р.И. (Ташкент)

проф. Охунов А.О. (Ташкент)

проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)

проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)

проф. Ризамухамедова М.З. (Ташкент)

проф. Сабиров У.Ю. (Ташкент)

проф. Сабирова Р.А. (Ташкент)

проф. Халиков П.Х. (Ташкент)

проф. Хамраев А.А. (Ташкент)

проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)

проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

проф. Шомирзаев Н.Х. (Ташкент)

Выпуск набран и сверстан на компьютерном издательском комплексе редакционно-издательского отдела Ташкентской медицинской академии

Начальник отдела: М. Н. Аслонов

Редактор русского текста : О.А. Козлова

Редактор узбекского текста: М.Г. Файзиева

Редактор английского текста: Х.А.Расулова

Редактор-дизайнер: Ш.П. Аширова

С. Э. Тураева

Компьютерная корректура: З.Т. Алюшева

Учредитель: Ташкентская медицинская академия

Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском управлении печати и информации

Регистрационное свидетельство 02-00128

Журнал внесен в список, утвержденный приказом № 201/3 от 30 декабря 2013года реестром ВАК в раздел медицинских наук

Рукописи, оформленные в соответствии с прилагаемыми

правилами, просим направлять по адресу:

100109, Ташкент, ул. Фароби, 2, Главный учебный корпус ТМА, 4-й этаж, комната 444.

Контактный телефон: 214 90 64

e-mail: rio-tma@mail.ru

rio@tma.uz

Формат 60x84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.

Гарнитура «Cambria».

Тираж 150.

Цена договорная.

Отпечатано на ризографе редакционно-издательского отдела ТМА.

100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.

ИСТОКИ	ORIGINS	
<p>Бабаджанов Х. Б. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА МЕҲНАТ ВАҚТИ ДАВОМИЙЛИГИНИНГ ИШЧИЛАР САЛОМАТЛИГИ ВА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ</p>	<p>Babadjanov KH.B. THE IMPACT OF THE LENGTH OF WORKING TIME ON WORKERS' HEALTH AND LABOR PRODUCTIVITY DURING WORLD WAR II</p>	<p>153</p>
<p>Махмудов Л.Ю. ФЕНОМЕН НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕНТИФИКАЦИИ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ</p>	<p>Makhmudov L.Yu. THE PHENOMENON OF NATIONAL IDENTIFICATION IN CENTRAL ASIA IN THE ERA OF GLOBALIZATION</p>	<p>156</p>
<p>Рўзиев Б.Ў. СОҒЛОМ АВЛОД МАЪНАВИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ МУҲИМ ОМИЛ СИФАТИДА</p>	<p>Ruziev B.O. THE ROLE OF LEGAL CULTURE IN SHAPING THE SPIRITUALITY OF A HEALTHY GENERATION IS AN IMPORTANT FACTOR</p>	<p>159</p>
ЮБИЛЕЙ	ANNIVERSARY	
<p>ҚОСИМОВ ШУХРАТ ЗОКИРОВИЧ - 45 ЙИЛЛИК ИЖОД ЙЎЛИ (ТАВАЛЛУДИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ)</p>	<p>QOSIMOV SHUXRAT ZOKIROVICH - 45 YEARS CREATIVE WAY (DETAILS TO 70 YEARS OF JUBILEE)</p>	<p>161</p>

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА МЕҲНАТ ВАҚТИ ДАВОМИЙЛИГИНИНГ ИШЧИЛАР САЛОМАТЛИГИ ВА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Бабаджанов Х. Б.

Тошкент Ахборот Технологиялари Университети

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти олдига дарҳол бажарилиши лозим бўлган бир неча вазифалар қўйилди. Булар саноатни ҳарбий изга ўтказиш, эвакуация қилинган корхоналарни жойлаштириш ва ишга тушириш, фронтни ва аҳолини саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш эди. Бу вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон иқтисодиётининг меҳнат ресурсларига бўлган талаби кескин кўпайди. Уруш йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти учун тезликда меҳнат ресурсларини топиш ва улардан унумли фойланиш учун қуйидаги икки асосий тадбирлар амалга оширилди:

Биринчидан, ишлаб чиқариш жараёнига аввал жалб қилмаган, аммо назарий меҳнатга лаёқатли аҳоли гуруҳлари ишлаб чиқаришга жалб қилинди. Бундайларнинг асосини аёллар, кейинги ўринларда ўсмирлар ва қариялар ташкил этди.

Иккинчидан, ишчи, колхозчи ва хизматчилар кунлик иш соатлари ёки йиллик меҳнат кунларининг узайтирилиши бўлди.

1941 - йил 26 июндаги Олий Кенгаш Президиумининг қарори билан саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва савдо корхоналари раҳбарларига ишчи хизматчиларни асосий иш вақтидан ташқари 1-3 соатлик мажбурий қўшимча ишларга жалб қилишга рухсат этилди. 16 ёшга етмаган ишчи ходимлар учун 2 соатгача мажбурий ортиқча меҳнат белгиланди. Шунингдек, меҳнат таътили бекор қилинди [13]. Қарор билан белгиланган 11 соатлик иш куни, аслида 12-14 соатгача чўзиларди. Бундай тадбир ишчи ва хизматчилар сонини оширмасдан, ишлаб чиқариш қувватини тахминан 30%га кўтариш имконини берди.

Ушбу қарор асосида ҳарбий корхоналарнинг барча ходимлари сафарбар қилинган деб ҳисобланиб, корхоналарга бириктириб қўйилди. Меҳнат интизомини бузганлар учун жазо чоралари кескинлашди. Корхоналардан ўзбошимча кетиб қолганлар 5 йилдан 8 йилгача муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинарди [9]. Уруш давридаги солиқ тизими ҳам ишчи ва хизматчиларни ҳар қандай шароитда меҳнат қилишга иқтисодий мажбурловчи механизмга айланди. 1941-йил ноябридан касаллик туфайли вақтинчалик иш лаёқатини йўқотган ишчи ва хизматчилар учун имтиёзлар тугатилиб, улардан бегиланган солиқлар тўлиқ миқдорда олинадиган бўлди [10]. Юқоридаги тадбирлар натижасида Ўзбекистонда сафарбар этилган ишчилар сони тикланиб, маълум даражада ўсишга эришилди. 1941-1942 йилларда Ўзбекистон саноат тармоқларида банд ходимлар сони 142,6 мингдан 148,7 минггача, саноат ишчилари сони эса 102,5 мингдан 102,9 минггача кўпайди [11].

Баъзи ҳолларда аҳолини меҳнатга сафарбар қилишда пухта ўйланмаган ишлар қилинди. 1943-йил

5 январдаги СССР Халқ Комиссарлиги Советининг 15-сонли қарори билан сил (туберклёз) билан касалланганлар юқори ҳарорат ва буғланиш билан боғлиқ бўлмаган жойларда ишлашларига рухсат этилди [12]. Бу қарорни совет ҳукуматининг инсон саломатлигига бўлган эътиборсизлиги ва масъулиятсизлик даражасини кўрсатувчи ҳолат деб қараш тўғри бўлади. Ушбу қарор 1943 йилда эълон қилинганлиги эътиборни тортади. Бу даврда (1941 йил иккинчи ярми ва 1942 йилга нисбатан) мамлакат иқтисодиёти кадрларга фавқулотда эҳтиёж сезмасди. Шунингдек, сил (туберклёз) билан касалланган инсон иш жараёнида аввало ўзининг ва ён атрофдагилар саломатлигига хавф туғдиришини ҳам инобатга олиш лозим эди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ҳам меҳнат кунларига қўшимчалар белгиланди. 1942 йил 13 апрелдаги СССР Халқ Комиссарлиги Совети ва Бутунроссия Коммунистик Партияси Марказий Қўмитасининг қарори билан колхозчилар учун мажбурий иш кунлари (1939 йилга нисбатан) оширилиб, қуйидаги ҳолатга келтирилди: ноқоратупроқ ҳудудлари учун 100 иш куни, Волгабўйи ва Сибирнинг ғаллачилик районлари учун 120 иш куни, пахтачилик районлари (Ўрта Осиё ва Кавказ) учун 150 иш кунигача этиб белгиланди [8]. Шунингдек, ушбу қарорда колхозчиларни меҳнатга мажбурлов чоралари қонунийлаштирилиб, ишлашни хоҳламаганлар жиддий жазоланиши белгиланди.

Ўрта ҳисобда, ўзбекистонлик колхозчи 1940 йилда 215 иш куни ишлаб берган бўлса, бу кўрсаткич 1943 йилда 280 иш кунини, 1944 йилда эса 311 иш кунини ташкил этди [6]. Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси меҳнат фаоллиги анча юқори бўлиб, қарорда белгиланган иш куни режаларини одатда ихтиёрий кўпайтирилиб бажарилди. 1940 йилда ўзбекистонлик деҳқон ўртача йилига 217 кун меҳнат қилган бўлса, бу кўрсаткич 1941 йилда 233 ва 1942 йилда 263 иш кунини ташкил этди [3]. Шунингдек, Ўзбекистонда иш куни минимумларини бажармаётганлар фоизи нисбатан кўп бўлмаган. Жумладан, 1944 йилда иш куни режаларини бажармаган колхозчилар Озарбайжонда 15,3%ни, Грузияда 19,1%ни, Қозоғистонда 12,4%ни ва Ўзбекистонда эса 8,9%ни ташкил этди [7].

Иш вақтининг узайтирилиши ва меҳнат интизомининг кучайтирилиши уруш олиб бораётган деярли барча мамлакатларда кузатилди. Масалан, 1939-1945 йилларда АҚШ қайта ишлаш саноатидаги ишчилар иш вақти ўртача 20% кўпайди [5]. Буюк Британия иқтисодиётида ҳам шундай ҳолат кузатилди. Британиялик эркак саноат ишчилари учун иш вақти ўртача 1938 йилда 47,7 соатдан 1943 йилда 52,9 соатгача кўпайди [14].

Баъзи тадқиқотлардан маълум бўлишича, иш вақтининг узайтирилиши бажарилган иш ҳажми-

нинг кўпайишига энг самарасиз таъсир кўрсатган тадбир бўлиб чиқди. Кўпгина ҳолларда эса бу тадбир тескари натижа бериб, меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келди. Уруш йилларида Ўзбекистон ва умуман собиқ Иттифоқда иш вақтининг меҳнат унумдорлиги таъсири мавзусида алоҳида тадқиқот ўтказилмаган бўлса-да, лекин бошқа давлатларда олиб борилган тадқиқотлар негизида муаммонинг умумий манзарасини кўриш мумкин.

Шу ўринда 1940 йилда Англия тиббий-тадқиқот кенгашининг ҳисоботида (инглиз тилида – “Emergency report” №1) иш вақтининг узайтирилиши меҳнат унумдорлигига салбий таъсир этганлиги ҳақида хулоса қилинди. Ушбу ҳисоботда ҳафтасига 85 соат оғир меҳнат билан шуғулланган 56 та эркак ишчиларнинг иш вақти 57 соатгача туширилгач ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори 22% ўсганлиги қайд этилди [1].

Германия корхоналарида ҳам иш вақтининг узайтирилиши акс натижалар берганлиги бир неча кузатувларда аниқ бўлди. 1944 йил 27 майдаги “Reichsarbeitsblatt” нашрининг 14/15 сонидан завоҳ директорининг (номи берилмаган) иш унумдорлиги масаласига бағишланган мақоласи чоп этилди. Мақолада Германияда 48 соатлик иш ҳафтасининг 62 соатга кўтарилшининг иш унумдорлигига таъсири ушбу корхона мисолида таққосланди: 48 соатлик иш ҳафтасида иш вақтининг 84% (тахминан 40 соат) дан унумли фойдаланилган бўлса, 62 соатлик иш ҳафтасининг 70% игина (42 соат) унумли ҳисобланди.

Кўшимчасига 62 соатлик иш ҳафтасида ишлаб чиқарилган маҳсулот нуқсони 8%ни ташкил этди. (48 соатлик иш ҳафтасида 3%). Демак, газетада мисол сифатида берилган корхонада иш ҳафтаси 12 соат узайтирилган бўлса-да, унумли иш вақти атиги ҳафтасига 2 соат ўсган. Иш вақтининг узайтирилиши маҳсулот нуқсони миқдорининг ва касалланган ишчилар сонининг ошишига олиб келди [2].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида аёллар қайси давлатда ва тузумда меҳнат қилмасин, уларнинг тақдири ва турмуш тарзи қайсидир маънода бир-бирига ўхшаш. Уруш йиллари аёллар фронтга кетган оталари, эрлари ва фарзандлари ўрнига кунига 10-12 соатлаб оғир меҳнат қилиб, шундан сўнг кўшимча ишлар (одатда, хамшира ёки ошпаз сифатида)га жалб қилинганлиги одатий ҳолатга айланди.

Масаланинг яна бир тарафини унутмаслигимиз лозим. Узайтирилган иш вақти, меҳнатнинг мураккаблашуви, уруш туфайли транспорт тизимининг етарли бўлмаган фаолияти, ишчилар томонидан сарфланган қувватнинг (калория) ёки “жоул” бирликларида ўлчанади) ошишига, уни тўлдириш учун эса озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг янада кўпайишига олиб келди. Бундай кўрсаткичлар аниқ ўлчаб чиқилмаган бўлса-да, лекин шубҳасиз, уруш йилларидаги ўрта статистик ишчи урушгача бўлган ҳамкасбига қараганда озиқ-овқат (шунингдек, витамин ва минераллар) маҳсулотларига талаби юқори оқиб бўлган.

Уруш йилларида собиқ Иттифоқда ортиқча режаларни бажарганлик учун бериладиган кўшимча озиқ-овқат сарфланган қувватни тўлдирмас эди. Энг максимал нон нормаси (кунлик 800 гр.) билан таъ-

минланувчи ишчининг кундалик рациони тахминан 2000 ккал.ни ташкил этди.

Маълумки, нормаларга кўра механизацияланган меҳнат билан шуғулланувчи ишчига кунига 3500 ккал, оғир меҳнатда банд ишчининг озуқавий рациони тўйимлилиги 4500 ккал.ни ташкил этиши керак [4]. Бундай ҳолатда, меҳнат унумдорлигининг барқарор пасайиши кузатилиб, ишчилар орасида тўйиб овқатланмаслик (масалан, дистрофия) ҳамда натижасида организм тонуси, иммунитет кучсизланиши (масалан, сил) натижасида юзага келадиган касалликлар кўпайиши хавфи юқори бўлади.

Уруш йилларида собиқ Иттифоқда пул қадрининг тушиши, нархларнинг кескин кўтарилиши ишчи ва ходимлар харид қобилиятини деярли йўққа чиқарди. Уларнинг моддий шароити оғирлашди. Бу ҳолатни қуйидаги жадвал маълумотларида кўришимиз мумкин:

Харажатлар турлари	Уч кишилик оила (ишчи ва унинг қаро- моғида икки киши)			Ишчи	
	Ойлик маош (р.)			Ойлик маош (р.)	
	350	800	1500	350	800
Солиқлар	49	141	312	81	116
Заём	35	80	150	35	50
Коммунал тўлов	90	101	101	30	42
Ошхонада овқатланиш	125	125	125	326	326
Карточкадан маҳсулотлари со- тиб олиш	180	180	180	-	-
Кийим-кечакка харажатлар: ишчи, қаромағидагилар	111 167	111 167	111 167	111	111
Жами:	757	905	1146	583	645
Қолдиқ:	- 407	- 105	354	- 233	155

Статистик маълумотлардан кўриниб турганидек, 800 рублгача ойлик олувчиларнинг даромади коэффицент салбий бўлган. Лекин бу ҳолатда савол туғилади: агар асосий ишчилар учун меҳнат фаолияти даромад келтирмаса ёки яшаш учун етмаса, ишлашнинг нима ҳожати бор? Уруш йилларидаги мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, ишчининг етарли бўлмаган маошга меҳнат қилишининг қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин эди:

Биринчидан, уруш йилларида (ундан кейинги йилларда ҳам) вояга етган, меҳнатга лаёқатли фуқаро меҳнатга мажбур эди. Ишсиз шахслар маъмурий ва жинойий жавобгарликка тортиларди.

Иккинчидан, ишчи учун корточка нормалари кўринишида барқарор таъминот таъминланарди.

Учинчидан, ишчиларга полизчилик билан шуғулланишга ер участкалари ажратилар эди.

Уруш йилларида Ўзбекистонда сафарбарлик ёшидаги аҳолининг асосий қисмини фронтга жалб қилиниши иқтисодиётда малакали кадрлар улушини кескин камайтирди. Шунингдек, уруш даврида республикага юздан ортиқ корхонанинг эвакуация қилиниши, янги саноат қувватларининг ишга туширилиши ва йирик қурилишлар кадрлар муаммосини янада мураккаблаштирди. Республика иқтисодиёти кўшимча кадрлар билан таъминлашга аёллар ва ёшлар оммавий жалб этилди. Уларнинг малакасини ошириш учун ўқув-амалиёт тизими фаолияти кенгайтирилди.

Уруш бошланиши билан ишлаб чиқаришда кучли интизом ўрнатилди. Мавжуд саноат ишчилари, хиз-

матчилар ва деҳқонлар иш соатлари узайтирилди. Урушнинг дастлабки босқичида иш вақтининг узайтирилиши ўзини оқлаган бўлса, кейинги босқичларда иш сифати ва меҳнат унумдорлигига салбий таъсир этди. Ўзбекистон аҳолиси уруш қийинчиликларини англаган ҳолда ғалаба учун фидокорона меҳнат қилдилар. Йирик корхоналар ва ирригация иншоотлари қурилиши асосан хашар усулида амалга оширилди.

Адабиётлар

1. Варга Е. Изменения в экономике капитализма в итоге Второй Мировой войны. – Москва: «Государственное издательство политической литературы», 1946. – С. 111.

2. Варга Е. Изменения в экономике капитализма в итоге Второй Мировой войны. – Москва: «Государственное издательство политической литературы», 1946. – С. 113-114.

3. Голованов А., Саидов Н. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Часть II. – Самарканд: СамДУ, 2006. – С. 26.

4. Лончинская Л.Я. Трудовая мотивация населения в годы Великой Отечественной войны. Мобилизационная модель экономики: исторический опыт России XX ве-

ка: сборник материалов всероссийской научной конференции. – Челябинск 2009 г. – С.341.

5. Люмер Х. Военная экономика и кризис. Пер. с англ. – Москва: «Издательство иностранной литературы», 1955. – С. 54.

6. Ризаев Г. Аграрная политика советской власти в Узбекистане 1917-1965 гг. ... – С. 125.

7. Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. ... – С. 255.

8. Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. – Москва: Наука, 1970. – С. 252.

9. Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. ... – Б. 440.

10. ЎЗР МДА, Р 93-фонд, 15-рўйхат, 760-йиғмажилд, 17-варақ.

11. ЎЗР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3318-йиғмажилд, 1706-варақ.

12. ЎЗР МДА, Р837-фонд, 32-рўйхат, 3751-йиғмажилд, 41-варақ.

13. Экономическая жизнь СССР (хроника событий и фактов). Книга первая. – Москва: Советская энциклопедия, 1984. – С. 331.

14. The Cambridge Economic History of Modern Britain. Edited by R. Floud and P. Johnson. Cambridge University Press, 2007. – P. 6.

